



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 15-iyun №25 (4475)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ва муҳтарам ватандошлар!
Сизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни меҳроқибат, эзгулик ва саховат айёми — муборак Рамазон Ҳайити билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бу қутлуғ байрамда ҳаммамиз аввало шундай файзли ва барокатли кунларга етказгани учун Оллоҳ таолога чексиз шукроналар айтамыз.

Оила, маҳалла ва жамият аҳлига меҳр ва эътибор кўрсатиш, кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишиларга бегараз ёрдам бериш, яхшилик, сабру қаноат каби эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган бу байрамнинг маъно-мазмуни бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатга ғоят уйғун ва ҳамоҳанг эканини, уйлайманки, шу саодатли дамларда ҳар биримиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айни вақтда муқаддас ислом динининг ана шундай буюк инсонпарварлик тамойилларини асраш, тарғиб этиш ҳозирги шиддатли замонда ўта долзарб вазифага айланиб бораётганини барчамиз яхши тушунамыз. Мамлакатимизда кейинги пайтда бу борада кўп ишлар

қилинаётгани сизларга яхши маълум, албатта. Жумладан, улуг алломаларимиз Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий марказлар, Ислам цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилгани шу йўлдаги улкан қадамлар бўлди.

Бугунги кунда бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарларга қарши **жаҳолатга қарши — маърифат** асосида курашиш, динимиз поклигини сақлаш бўйича мамлакатимиз томонидан нуфузли халқаро минбарлардан қатор амалий ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида **"Маърифат ва диний бағрикенглик"** деган ном билан махсус резолюция қабул қилиш ҳақида билдирган таклифимиз жаҳон миқёсида кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Шу улуг айём кунларида узоқ ва яқин мусулмон мамлакатларнинг халқларини, барча дўстларимизни самимий қутлаб, уларга тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилашдан беҳад мамнунмиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистонимиз янги тараққиёт босқичига қадам қўйиб, барча соҳаларда ўзгариш ва янгиланишлар қучайиб бораётгани, Рамазон Ҳайити муносабати билан юртимизда уч кунлик дам олиш эълон қилингани бу йилги байрамга алоҳида фойда ва тароват бағишламоқда. Табаррук айём арафасида озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида фармон қабул қилингани халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва меҳр-шафқат фазилатларининг яна бир яққол намоёни бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, бу ҳуқуқий ҳужжат жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва манфатларини таъминлаш, соғлом ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш, билиб-билмай нотўғри йўлга кирган инсонларни кечириб, уларни оиласи бағрига, тўлақонли ҳаётга қайтаришга қаратилган кенг кўламли ишларимизнинг узвий давомидир.

Албатта, биз ўз диний қадриятларимизни улуғлаб, эъзозлаб яшар эканмиз, ҳозирги юксак технологиялар асрида

мустаҳкам иймон-эътиқод билан бирга замонавий илм-фан, касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаш, инновациялар соҳасидаги ютуқларни чуқур ўзлаштириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш барқарор тараққиётга эришишнинг энг муҳим шарти эканини яхши тушунамыз.

Муборак Ҳадисларда айтилганидек, **икки дунё саодатини ўйлаб яшаган инсон, халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.**

Барчангизни муқаддас Рамазон Ҳайити билан яна бир бор табриклайман.

Эл-юртимизнинг шу муборак ойда қилган ибодатлари, эзгу ниятлари ижобат бўлсин!

Жонажон Ватанимиз, хонадонларимизда тинчлик, аҳиллик, фойзу барака бардавом бўлсин!

Эзгу ишларимиз, интилишларимизда Яратганининг Ўзи мададкор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ислам динининг барча муаззамликлари халқимизнинг онгу шуғрига азал-азалдан сингиб кетган. Қуръони карим ҳукмлари ва пайғамбаримизнинг муқаддас ҳадислари билан йўғрилган юксак таълим-тарбиялар асосида диёримиздан буюк муҳаддислар етишиб чиқди. Улар йўлбошчиси бўлган Имом Бухорий ўз илму фасоҳати билан ҳижрий учинчи асрда бидъат ва хурофотга қоршиб бораётган муқаддас ҳадисларни аслиятига келтириб араб дунёсига ва бутун ер юзи халқларига қайта тақдим этди. Яна бир ҳамюртимиз Имом Замахшарий эса араб тили грамматикаси шавффофлигини сақлаб қолди. Беқийс тафаккури билан дунё илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган бундай ажодларимиз талайгина. Кейинги икки йил ичида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уларнинг тарихий меросини ўқиб, ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

КўНГИЛ МУНАВВАРЛИГИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меъросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори илм-маърифатга чанқоқ халқимиз, диний-маърифий соҳа вакиллари томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг ижроси жамиятимиз маънавий ҳаётида чинакам ўзгаришларни бошлаб бериши билан бирга давлатимиз раҳбарининг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини янада юксалтиради.

Энахон СИДДИКОВА, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор

УЛУҒ МАҚСАДЛАРГА КАМАРБАСЛАМИЗ

Миллий адабиётимиз маънавият дарсхонасига айланган ушбу улуг кунларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан танишиш мақсадида жорий йилнинг 12 — 13 июнь кунлари Фарғонага таширф буюрди. Таширф доирасида давлатимиз раҳбари Марғилон шаҳрида барпо этилган атоқли шоир Эркин Воҳидов номидаги "Ижодкорлар" боғида адабий жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Президентимиз сайловли учрашувларида Фарғонада халқимизга маънавий кудрат берадиган, ёшларимизни тарбиялайдиган маданият маскани бунёд этиш ғоясини илгари сурган эди. Мана, қисқа вақтда Юртбошимизнинг ташаббуси ва сайёҳаракатлари билан йигирма тўрт гектарли боғ худуди хайратомуз ўзгалмасканга айланди. Қўркам архитектура ансамбли — мухташам бинолар қад кўтарди. Боғ худудида барпо этилган Эркин Воҳидов меъморали музейи, шоир номидаги она тили ва адабиёти фанларини чуқур ўқитиш ва хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати, саксон ўринли ётоқхона, юз ўринли "Илҳом айвони", уч юз

ўринли маданият зали, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг икки қаватли биноси, ёзги амфитеатр, Нурунийлар маскани узукка қўйилган кўздек боғга қўрк ва салобат бағишлаб турибди.

— Бу ерда ўқитиладиган икки юз нафар ўқувчи орасидан агар икки нафар Эркин Воҳидовдек ёрқин истеъдодли камолга етказолсак, биз қўзланган мақсадга эришамиз, — деди Юртбошимиз. Шу билан бирга Фарғонада ҳар йили икки марта Эркин Воҳидов кунларини ўтказиш, шоир ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, унинг номидаги мактаб-интернати мисолида республикамизнинг бешта худудида ташкил этилган, улуг шоир ва адиблар номи билан аталган, она тили ва

адабиёт фанларига ихтисослашган таълим масканлари учун махсус ўқув режалари, дарсликлар ишлаб чиқиш, бу даргоҳларни аъло баҳоларга битирган ўқувчиларни олий ўқув юртиларига имтиҳонсиз киришлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарорини тайёрлаш бўйича зарур кўрсатмалар берди. Шундан сўнг Юртбошимиз Эркин Воҳидов номидаги мемориал музейга таширф буюрди. Музейдаги экспонатлар билан танишиш жараёнида уни янада бойитиш, ёшларга ватанпарварликдан сабоқ берадиган масканга айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Музей билан танишар экансиз

адабиётимизга, маънавиятимизга кўрсатилаётган эҳтиром ва эъзоздан руҳингиз кўтарилади, озод кунларимизга шукрона айтиб, ўзингизда улкан мақсадларга камарбасталик ҳиссини туясиз.

Президентимиз боғ худудида янгидан бунёд этилган Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг икки қаватли биносида ижодий муҳит кўламини кенгайтириш, ёшларни олий ўқув юртиларига мақсуда яратилган қўлайлик ва имкониятлар билан танишди. Бу қоша давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги тарихий қарорининг Фарғона вилоятидаги ижросининг ёрқин далилидир.

Вилоят фаолларининг селектор йиғилишида Президентимиз Бағдод туманининг Ҳазир

ний бобомиз макон тутган маскан яқинидаги Чопдор қишлоғини "Обод қишлоқ" дастурига киритиш, Сўх туманида ёшлар учун ёзги амфитеатр барпо этиш, Бувайда туманидаги педагогика коллежи ўрнида она тили ва адабиёт фанларига ихтисослашган мактаб-интернат қуриш борасидаги тақлифларни шу йилнинг ўзидаёқ режага киритиш юзасидан зарур топшириқлар берди. Миллий маданиятимизга, ижод аҳлига кўрсатилаётган бундай юксак эҳтиром замирида адабиётимизнинг эртанги кунига қайғуриш, халқимизга, миллий адабиётимизга чексиз меҳру муҳаббат мужассам эканлигини юракдан ҳис этамыз. Биз ижодкорларнинг олдимизда эса, бунёдкор халқимизнинг қаҳрамонона меҳнатини бадиий асарларда маҳорат билан акс эттиришдек қутлуғ вазифалар турибди.

шоғирдлари устоз ҳақидаги хотиралари, дил сўзларини изхор этдилар, китоб юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясида озарбайжон ва ўзбек тилларида чоп этилган "Ўзбек шеърини гулчамбар" китобининг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистондаги Хайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази раҳбари Самир Аббосов, озарбайжонлик ижодкорлар — китоб наشري учун масъул Акбар Қўшали, муҳаррир Фарид Хусайн, таржимон Шахло Қосимова,

Ёзувчилар уюшмасининг Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими масъул хотиби Адхамбек Алимбеков, таржимонлар Муҳаммадшариф Бобоҳон ва Тоҳир Қаҳҳор сўзга чиқиб, ўзбек ва озарбайжон халқларининг қардошлиги, умумий адабий меросга эгалиги ҳақида сўзлашди.

Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи"да вилоят мудофаа, маданият бошқармалари, Маънавият ва маърифат ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида "Китоб — бизнинг дўстимиз" акцияси ўтказилди.

Тадбирда болажонлар ўзлари севиб ўқиган китоблари мазмунини сўзлаб, халқ эртақлари асосида сахна кўринишларини намойиш этди. Уларга ўзбек адабиётининг нодир намуналаридан иборат китоблар жамланмаса совға қилинди.

Андижон давлат университетидеда Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг ижодий фаолиятига бағишланган адабий учрашув бўлиб ўтди. Шоир асарлари асосида талабалар томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, видеоролик намойиш этилди, қўшиқлар қуйланди. Тадбир сўнгида Тўлан Низом талабаларга китобларидан улашди.

Эълонлар

Ёзувчилар уюшмасида 2018 йил 18 июнь кунини соат 15:00да Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матқубованинг "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган уч жилдли "Сайланма" асарлар тўплами тақдироти бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмасида 2018 йил 19 июнь кунини соат 11:00да Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Тиловерган Жумамуратов таваллудининг 103 йиллиги муносабати билан адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган фотосуратлар ва китоблар кўргазмаси ҳамда адабий анжуман ўтказилди.

Тадбирда ёзувчилар, шоирлар, адибнинг шоғирдлари, оила аъзолари ва мухлислари иштирок этди.

Кۈёш кۈнган кۈрлар

Бухоро вилоятидаги Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси бунёдкор халқимиз кудратининг бузғунчи ташқилларидан бирига айланди. Мажмуа она замин ҳароратини халқимизга етказгани ҳамон, ижод аҳли шахмини ҳам янада жўштириб юборди. Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида публицист Мурод Абдуллаевнинг “Қандим кенгликларида” номли очерки эълон қилинган эди. Бугун Қандим хазинаси фақат мутахассис ёки ижодкорларнинггина эмас, балки халқимиз диққат-эътиборидаги мавзуга айланган, аиниқса, қувонарлидир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Луқмон Бўрихон Қандимда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ўз аксини топган йирик бадий асарини якунида қўлади. Қўйда ушбу асардан парча эълон қилинмоқда.

...Худди чизиб қўйилган ўхшайди. Ҳа, тап-тақир чўлу биёбон ўртасидаги Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси, илк бор кўз тушганда, худди мусаввир қизғиш-сарик, кўк-яшил бўёқларда бепоён мато юзига акс эттирган суратдек туюлади. Кўнгилларда алланечук завқ, ҳаяжон кўзгалади. Қараган сайин қарагинг келаверали.

Ногоҳ саҳролар қўйида пайдо бўлиб қоладиган мўъжаз шаҳарлар, сирли қўрғонлар ҳақидаги эрталар беихтиёр ҳаёлда жонланади. Ўзимизни худди афсоналар оламига келиб қолгандек ҳис этамиз. Аммо қаршимизда қад ростлаб турган, шаҳар сиеқли масканнинг афсоналарга асло алоқаси йўқ. У аини ҳақиқатдир! Сўнгги уч йил ичида юртимизда барпо этилган галдаги йирик бир корхона! Орузларимиз сингари улкан, қалбларимиз каби қайноқ бир гўша! Унинг таъриф-тавсифи матбуот нашрларида кўп ва ҳуб тилга олинди. Россиянинг “Лукойл”, Ўзбекистоннинг “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинги компаниялари ҳамкорликда бунёд этган, йилгига саккиз миллилард куб метрдан зиёд газни қайта ишлаш қувватига эга нуфузли корхона эканлигиндан хабаримиз бор. Унинг қурилишида “Хундай Инжиниринг”, “Паско”, “БАСФ”, “Якобс”, “Ханвилл” каби қатор хорижий фирмалар ҳам ҳормай-толмай иштирок этди. Минг бор эшиттандан бир бор кўрган яхши, деган нақд бор халқимизда. Шу ҳикматни дилмига туғиб, мана, келдик, кўрдик...

Когонлик Зарифжон бир пайтлар музакор болалардан саналарди. Азбаройи қизқувчанлигидан, билишга чанқоқчилигидан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган саргузаштларни бошлаб юрар, оқибатда, гоҳ дакки эшитса, гоҳ қулгига қоларди. Отасининг кўл соатини яширинча олиб, омиборхонада қисмларга ажратиб, сўнг митти-митти мурватларни яна қайта йилғимай, алманди пик-пик йиллаган кезлари у учинчи ё тўртинчи синфда ўқирди. Соат қандай бетхўтов юриб туришини билмоқчи эдим, деб жавоб берди ҳангу манг отасининг сўровларига ўшанда у. Ўшанда домла Ҳамроев матоҳини қайта тузатиш учун хийла чиқимдор бўлганига қарамай, ўғлининг қизқувчанлигидан ичида қувонди. Аммо, кейинчалик, орадан уч-тўрт йил ўтиб, Зарифжон кўнчимас одамга айланиб қолиш орузида аллақандай қимёвий моддалар аралаштирилган суяққинчи ички касалхонага тушганда чинакамига кўрқиб кетди. Панду насиҳат, дўқ-пўпйса аралаш йўл-йўриқлар билан боласини тек юришга чорлади. Бироқ бу давлатларнинг нафи кўп ҳам сезилмади. Воёга етган сайин Зарифжоннинг қизқишлари жиддий, илмий тус ола борди. Аиниқса, юқори синфларда ўқиб юрган кезлари физика, қимё каби фанларнинг сирини синоати уни ўзига буткул ром этди. Домла Ҳамроев бир кунни ўғлини газўчоқда кўк-яшил, сарғиш-қизғиш рангларда товланаётган алангага ҳаёлчан термулиб турганини кўрди. Яна қандай хомхаёлларга берилган, деб сўради.

“Газнинг таркибида ҳар хил моддалар мавжуд, шунинг учун ранг-баранг тусда ёнади, буни биламиз, — деди Зарифжон кўзлари ёлқинланиб, — лекин уша моддалар ажратиб олинмас-чи? Қанчадан-қанча фойдали элементларни беҳуда ёниб кетишдан асраб қолиш мумкин бўлади-ку?!”

Илмий тадқиқот иси келадиган бундай саволлар, тахминлар, мулоҳазалар Зарифжоннинг ўзи билан бирга ўсиб-ўлғайди. Тумандаги академик лицейни битиргач, оруз-умидлар уни нефть ва газ соҳаси сари етаклади. Натижада, Зарифжон Ҳамроев Губкин номидаги Россия нефть-газ институтининг Тошкент филиалига ўқишга кирди. Соҳага қизиқиши, билимга интилиши туфайли когонлик талаба таҳсил давомида ҳам бошқалардан ажратиб турди. Аммо айнан ушбу олий ўқув юртини танлагани отасига кўп ҳам маъқул тушмади. Хориз институтини берган диплом бизда ўтадим, йўқми, деган шўхбага борди домла Ҳамроев. Албатта, у киши ҳаёлда кўрган-қузагтанлари оқибатда шундай ҳулосага келган эди. Чиндан ҳам Зарифжон Ҳамроев институтни битиргач, соҳаси бўйича иш тополмай уч-тўрт йил овора бўлди. Эндигина

Луқмон БҮРИХОН

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиши чора-тадбирлари туғрисида”и қарори ота-боболаримизнинг ватанамиз равақчи, унинг тинч-осудалиги, авлодларининг бахтли ҳаёт йўлидаги фидокорона хизматларини қадрига ва тарих учун муҳрлаш йўлида олиб борилаётган қўлуғ ишларнинг бардавомлигини таъминлайди. Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, ғалаба учун курашган юртодошларимиз орасида замондошимиз, ўзбек муסיқасининг тарихнависи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, тўқсон уч ёшини қоралаган мўйсифиди Аҳмаджон оти ЖАББОРОВ ҳам бор.

...1943-йилнинг сентябрь ойи. Олти ой давомида Намангандаги пиеда аскарлар ўқув юртида таҳсил олган ўн саккиш ёшли йигит урушга сафарбар этилди. Россиянинг Клинт районида янги ҳарбий қисм — 7-корпус ташкил этилди. Аҳмаджон шу корпусга пулемётчи сифатида қабул қилинди. Клинтда уч кун бўлган пайтида муסיқа мактабида ўқиб юрган кезлари устози Энгельмандан фортепиано устидаги гул кимники эканини сўраганини, у буюк рус композитори П.И.Чайковский қисти экани ва Клинт шаҳрида яшаганини айтиб берганини эслайди. Ўшанда устозининг: “Сен катта бўлганида, албатта, Клинга бориб Чайковскийнинг уй-музейини кўргин. Композитор ҳамма асарларини ўша уйда ёзган”, деб айтгани ёдига тушди ва командирдан уй-музейни бориб

кўришга рухсат олди. Бошида бу илтимосга шўхба билан қараган рота командирини кейин тўртта аскар ҳамроҳлида бориб келишига рухсат берди. Немислар харобага айлантирган уй-музейни аскарлар ва аҳоли биригаликда тозалаб, асл ҳолига келтиришди. Икки соатга рухсат сўраган аскарлар беш соат деганда ротага қайтишди. У ерда кўрганларини, бажарган ишларини айтиб бериб, командирнинг хўрматига сазовор бўлишди.

— Ротамиз алоҳида зенитли пулемётли рота эди, — дейди Аҳмаджон ота ўша оғир йилларни эслаб. — Қаерда жанг бўлса, борганмиз. Масалан, Днепр дарёсининг нариги қирғоғига ўтми нихотда қийин бўлган. У тарафда немислар, бу ёқда эса биз. Охири, Днепр дарёсидан танклар ўтиши учун кўприк қурдик. Пятыхаткада ҳар ёққа

бориладиган жуда катта станция бор экан. Шу станцияни олиш жуда қийин кечди. Командиримиз жангга ҳалок бўлди. Жангда ротамиздаги аскарларнинг ярми қаттиқ жароҳатланди. Хуллас, жанг тугаб, душманлар чекинди. Орадан икки ой ўтиб, мен ва яна битта аскар “Урушдаги хизматлари учун” кўркрак нишони билан тақдирландик.

А.Жабборов Украинанинг шарқий, жанубий-шарқий ҳудудларидаги жангларда қатнашди. Катта шаҳарларни душмандан тозалаш, Днепропетровск, Домбассини озод қилишда уларнинг ролиси қаттиқ қаршиликларга дуч келди.

— Наманганда ҳарбий мактабда ўқиб юрган пайтимда ўшлик Акмал Таштемиров билан танишган эдим, — дея давом этади Аҳмаджон ота. — У ротамизнинг биринчи взводига хизмат қиларди. Ўқиб юрган давримизда она-

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев “Буюк келажакимизни мард ва олиёжаноб халқимиз билан бирга қўрамиз” номли китобида: “Сирдарё деганда, сирдарёлик деганда, азиз Сайхун дарёси соҳилларидаги сўлим бир воҳа, қадим Мирзачўл бағрида боғу бўстонлар, шаҳар ва қишлоқлар бунёд этиб келаётган мард ва матонатли инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади... Ҳеч шўхбасиз, ўтган асрда қуш учса — қаноти, одам юрса — оёғи қуядиган бу ерларни ўзлаштириб, Гулистон, Янгиер, Бахт, Ширин каби шаҳарлар бунёд этган, бу ўлкага замонавий тараққиёт олиб келган фидойи ота-боболаримизнинг қахрамонона меҳнатини халқимиз асло унутмайди”, — деб ёзган эдилар.

Биз бир гуруҳ таниқли шоир-ёзувчи, санъаткор ва спортчилар билан биргаликда Ховос туманининг қўшни Тожикистон билан чегарадош “Ховособод” кишлоғида бўларканмиз, бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, сирдарёликлар Юртбошимиз таъкидлаганларидек мард, меҳнаткаш ва фидойи инсонлар эканлигининг гувоҳи бўлдик.

— “Ховособод” кишлоғи энг қадимий аҳоли қўналгаларидан бири ҳисобланади, — дейди бизни кутиб олган Ховос туман ҳокимининг ўринбосари Отабек Данабаев, — узок тарихимизга дахлдор Ховостепа ёдгорлиги, еттинчи-саккизинчи асрларга оид Саъду Сайид ота зиёратгоҳи ҳам шу ҳудудда жойлашган.

Мўхтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда “Обод қишлоқ” дастури асосида олиб борилаётган саъий ҳаракатлар туфайли, туманимиз аҳолисининг ҳам “елка-сига офтоб тегди”. Қисқа муддат ичида туманда дастур асосида кўллаб бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, кўримсиз холга келиб қолган “Ховособод” кишлоғи қайтадан кўрк очиб ҳақиқий обод қишлоққа айланди. Мактаб қайта таъмирланди, замонавий спорт мажмуаси ва янги болалар боғчаси бунёд этилмоқда. Бугун халқимиз ўз меҳнатининг гаштини суриб, байрам ую томошалар қилишмоқда.

Дарҳақиқат, борганимизда “Ховособод” аҳли жонахон кишлоғини обод қилиш бора-сидаги меҳнати ғалабасини байрам қилаётган эди. Ҳаммаёқ баннер ва шпорлар билан безатилган, аҳоли дам олиш маскани дам олувчилар билан лиқ тўла, дилрабо қуй-қўшқлар янграйди.

Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида, тумандаги ҳарбий қисмининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ҳам ўз жанговар техникаси — бронетранспортёрлари билан тақлиф этилган. Мактаб қайтаги офицер атрофини ўраб олган ёш-ялангларга ҳарбий хизмат — ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини тушунтиришмоқда. Шўх болакайлар аллақачон бронетранспортёр тепасига чиқиб олишган. Ҳарбий амакидан ўзларича нималарнидир сўраб-суриштиришмоқда.

Ҳар ер, ҳар ерда стол-стуллар қўйиб олган турли давлат хизмати вакиллари аҳолига шу жойининг ўзида хизмат кўрсатиш билан банд. Қиллардир рўзгор ташвишида, арзон эҳтиёж моллари сотилаётган кўча дўконлар атрофида қўймаланишди. Бир гуруҳ ёшлар эса автомашинига тиркалган ва поезд вагонини эс-латувчи “Кўча кутубхона”дан ўзларини қизиқтирган китобларни олишга ошиқлишмоқда.

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор спортчи-ёшларимиз сафи кенгайиб боришида муҳим омил бўлмоқда, — дейди тумандаги 1-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маъри-

фий тарбия ишлари бўйича ўринбосари Хосият Пўлатова, — мактабимизнинг қалбиде чемпионлик иштиёқи ёнган 7-синф ўқувчиси туман Болалар ва ўсмирлар мактабининг тэквон-до ИТФ тўғараги катнашчиси Сабрина Бахриддинова Тошкент шаҳрида спортнинг тэквон-до ИТФ тури бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллади.

Сўхбатдошимиз “Ховособод” маҳалласининг бугун спортнинг бадминтон, шахмат-шашка, футбол, волейбол турлари бўйича беллашаётган ёшлари орасида ҳам Сабрина каби кўллаб чемпионлар борлигини таъкидлаб ўтди.

Бизни муסיқа садолари янграётган аҳоли маданий дам олиш маркази томон бошлашди.

Сўзга чиқиб уларни мамлакатимизда “Обод қишлоқ” дастури ижроси бўйича амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва эришилаётган ютуқлар ҳақида гапирдик. Тинч ва фаровон Ватанимиз тараннум этилган шеърлар ўқилди.

Мен яқинда нашрдан чиққан “Қалдирғочлар қайтган кун”, “Мангу қўшиғимсан — Ватан” каби бир неча китобларимни маҳалла кутубхонаси учун тухфа этдим.

Шундан сўнг таниқли эстрада хонандалари ва гуруҳимиз спортчиларига навбат берилди. Халқаро комбад айқидо ассоциацияси спортчилари Алибек Хидиров ҳамда ака-ука Муҳаммад ва Нурислол Юлдашевларнинг кўргазмали чиқишлари зални жонлантириб юборди.

— Шогирдларингиз зўр-ку, халқаро ютуқларим борми? — сўрайман уларнинг тренера Фахриддин Усмоновдан.

— Уларнинг бири, Алибек ҳарбий хизматчи, уч қарра жаҳон чемпиони, ака-укалар эса ҳали ёш, талаба. Лекин Республика мусобақалар совриндорлари, жаҳонга энди чиқишадилар, — дейди спортчилар сардори қўлиб.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида ўтказилган спорт мусобақалари якунланиб қолибларга фахрий ёрликлар ва туман ҳокимлиги ва Маҳалла кенгаши раҳбариятининг эсдалик совгалари топширилди. Натижаларни кўриб “Ховособод”дан келган келгусида жаҳон майдонларида Ватанимиз байрогини баланд кўтарадиган машхур спортчилар етишиб чиқишига ишонч ҳосил қилдик.

Тадбир доирасида иштирокчиларни сўхбатга тортамиз. — 5 нафар фарзанднинг онаси, 15 набиранинг меҳрибон буювжони Тўйғуллой Эгамбердиева бўламан, — дейди онахон завқланиб. — Халқимизда “Ватан маҳалладан бошланади, — деган мақол бор, кишлоғимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида барча оилаларнинг бошини бирлаштириб, сафарбар этишда фуқаролар йиғини раиси Ҳомиджон аканинг хизматлари жуда катта. Кишлоғимиз аҳолиси бир-бири билан жуда иноқ-ахил яшашади. Яқинда маҳалламиз аҳли давлатга пилла топшириш режасини ошиғи билан бажарди. Мен ўзим бир қутидан 56 кг пилла топширдим. Бу

йил ипак қурти икки марта бериларкан, энди августдагисини кутаямиз. Унияма аъло даражада баҳарамиз.

Шундан сўнг бизда “Ховособод” маҳалла-фуқаролар йиғини раиси Ҳомиджон Ҳамроевнинг ўзи билан сўхбатлашиш истағи туғилди. У кишини “Энг яхши китобхон” танлови қолибларига совгалар топширилаётган гавжум жойдан, 4-умумий ўрта мактаб олдида учратдик.

— Бу ерда 480 хонадон бўлиб, 567 оилада 2600 нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилади, — дейди маҳалла раиси, — очигини айтиш керак, кишлоғимиз чин маънода обод гўшага, таъбир жоиз бўлса, эртақлардаги боғи Эрамга айланди.

Бу ишларни амалга оширишда маҳалла аҳли ҳам “Ўз кишлоғимизни ўзимиз обод этайлик!” шиори остида камарбаста бўлиб, қўчалар ва ариқларни тозалаш, эски, кўримсиз иморатларни бўзиб ташлаш, йўл чеккаларига гуллар экиш ва парваришлаш ишларига яқиндан ёрдам бердилар. Аини пайтда эса янги замонавий спорт мажмуаси ва болалар боғчаси қурилиши нихоясига етказилаётганидан аҳолимиз жуда мамнун.

— “Дунё иморатлари ичида энг муқаддаси мактабдир”, — деган экан улуг алломаларимиздан бири. Биз педагоглар ҳам “Обод қишлоқ” дастури доирасида амалга оширилаётган ишлардан гоёта мамнунмиз. Маҳалламизда 305 нафар ўқувчи таҳсил олаётган 4-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси, синф хоналари тўлиқ таъмирланиб, ўқитишнинг жаҳон андозаларига хос воситалари билан жиҳозланди, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Саломат Худойбердиева.

— Кишлоғимиздаги Саъду Сайид зиёратгоҳи ва унинг олдидаги жомеъ масжиди таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Ёзги маданий саройи, спорт ўйингоҳи ҳам назардан четда қолмади. Кишлоғимиз қўчаларида янги ёриткичлар ўрнатилди, манзарали дархатлар, хусусан, арчалар ва турфа анвойи гуллар экилди. Ана шундай фэйзбёқ кўнларда вилотиимиз ҳокими Гофржон Мирзаев бизга қишлоғимиз ҳудудига қадимий Ховостепа ёдгорлиги ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлиги ҳақидаги қалбимизни тўлқинлантириб юборадиган хушхабарни етказганларида хурсандчилигимизни бир кўрсангиз эди. Бу ўзгаришларни кўриб қувонмай бўладими, ахир?! Бунинг устига Наврўз байрами арафасида “Ховособод” чегара пости очилиб, тожикистонлик биродарларимиз билан, борди-келди қилишимиз учун қўлайликлар яратилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Бугун нафақат, ховосободликлар, балки бутун сирдарёликлар юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори бўлган мухтарам Юртбошимиздан беҳад миннатдорлар.

Кишлоғимизни мана шундай обод гўшага айлантиришга муносиб ҳисса қўшган қурувчилар, қўшни маҳаллалардан келган хашарчилар ва азиз меҳмонларга минг бор раҳмат! Кишлоғимиз обод, қўнғилларимиз шод бўлди. Биз томонларга бир келсангиз, жилла бўлмаса, қўшни давлатга чегарадош “Ховособод” чегара постидан ўтаётганингизда унга бир назар ташласангиз, ўзингиз бунга амин бўласиз...

Олам-олам таассуротлар билан пойтахтга қайтар эканмиз, қишлоқ аҳлининг “Бир келиб кетинг кишлоғимизга” деб қорлашлари бежиз эмаслигига, улар ўз меҳнатларининг гаштини суриб, бугунги доруломон кўнларга шукрона туйғуси билан шоду хуррам яшаётганликларига яна бир бор амин бўлдик.

Зикрилла НЕЪМАТОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ТИНЧ — БЕБАХО НЕЪМАТ



арик ўтаркан. Биз тепадан пастга тушиб, энди юқорига қўтарилганимизда орқадан душман танки ўқ узди. Бахтли тасодиф туфайлигина машинамиз портламади. Шу ерда икки ҳафтача қолиб кетдик. Қўнлар ўтди, биздан ҳеч ким хабар олмайд. Аскарлар қишлоққа бориб егулик топиб келишади. Қарасам, атрофда бузилган машиналар кўп. Улардан керакли қисмларни олиб машинамизга ўрнатдик ва амаллаб йўлга чиқдик. Дунай дарёсидан Болгарияга ўтдик. Дарё бўйида жойлашган Руси шахрига кириб бордик. “Ясса-Кишинёв операцияси” пайтида ўнг юзимга снаряд парчаси тегиб тешиб кетган эди.

Тарих саҳифаларидан

Анча вақт ўтган, қўзимнинг ости йиринглай бошлаганди. Суриштириб даволайдиган доктор топдик. У юзимни операция қилиб, мени уйда боқди. Ярам уч ой деганда битди. Докторини хотини ёшлиғида муסיқадан таҳсил олган экан. Анча соғайганимдан кейин бир кунни эрталаб роялни қилиб кўрдим. Уй бекаси хурсанд бўлди. Кетишим арафасида у билан Гайднинг Концертини қилиб, ўша ердагиларга концерт бердик. Кейин улар билан хайрлашиб Руминияга ўтиб кетдик. Бу ерда шаҳарма-шаҳар юриб, Руминия ва Венгрия чегарасида жойлашган Арари-мари шахрига келганимизда ўз ротамизни топдик. Кейин Венгриянинг бир қатор шаҳарларини душмандан озод қилдик.

Муҳайй НАБИЕВА сўхбатлашди.

Ўзбек прозаси тарафидан қилинган тадқиқот ишлари кўпгина жиҳатдан қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган. Ўзбекистондаги адабиётшуносларнинг ўзбек прозаси тарихи ва ҳақиқати ҳақида фикр юритади. Шунингдек, мазкур даврда ўзбек прозасида юзага келган улуғбоз ва кичик тенденцияларни кўрсатиш орқали ўша давр прозасининг гоғий-эстетик қиммати ва ўзига хослиги очиб берилади.

Монография адабиётшуносликнинг илмий масалалари билан шуғулланганидан мутахассислар, олий ўқув yurtлари талабалари учун муҳим бўлади.

Ёшликни баҳорга менгашади. Дарҳақиқат, баҳорий гўзаллик кимни ҳайратга солмаган, кимни лол қолдирмаган. Улуғларимизнинг ёмғир ёғиб турган дамларда қилинган дуо ижобат бўлади, деганларида ҳам ҳикмат бор. Баҳор ёмғири яратгувчи ёмғир, ундиргувчи ёмғир. Унда майинлик, гўзал ҳарорат, аини пайтда қутилмаган шиддат, ўзгарлик мужжасам. Балки баҳор момоқалдириги қувончи ўзига сиғмай ҳайқираётган ошиқ қалбидир.

Баҳорда ниш урган майса, лаб очган куртак, ифори оламини тутган гуллар – барча-барчаси ҳайрат оламига очилган эшик. Баҳор мўъжизаси шоирни яратса не ажаб? Чунки унинг қалби гулдек нафис, шабнамдек шаффоф, ирмоқдек жўшқин. Шоир қалбининг тугени баҳор тугенидек завқли.

«Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!» Нақадар орзиқиб, соғинч билан айтилган

лар кўригидан ўтдилар. Ташбехларни товлантириб шеър ўқиган, тенгдошларининг шеърини тинглаб, кўзлари порлаган, антикиб қўйганлар ҳам бўлди. Зеро, яхши шеър — лаҳзанинг сўздаги сурати, яхши ташбех — маънолари нурланиб турган сўзнинг сийрати.

Атоқли авар шоири Расул Ҳамзатов ёш шоирларга берган маслаҳатида «Менга мавзу эмас, кўз беринг, деб айтгин», деган эканлар.

МУҲАББАТНИНГ ЯШИЛ КИТОБИ



Мона

Яна бегубор тонг, ёқимли бир куй,
Юрак торларини чертар бирма-бир.
Хаёлим забт этган ўшал суюк ўй,
Рубару қилсайди бизларни тақдир.

Ёдимда ул қушлар, ёнимда эдинг,
Қўлларинг тутарди нафис қўлимни.
Афсуски, бугун ҳам умид узолмай,
Кўзларинг интизор кутар йўлимни.
Меҳрибон топмадим дунёда сендек,
Ҳамиша, ҳамма вақт ғамимни ердинг.
Илтимос, ўзингни эҳтиёт қилгин,
Оч юрма, қалинроқ кийингин, дердинг.

Худбинман, ҳолимга энди боқ ўзинг,
Нодонлик қилибман ўйлаб ўзимни.
Мен деб ёшланбди бу қаро кўзинг,
Қўнғилнинг олдинги оғир сўзимни?!
Аллоҳдан сўрайман асрасин сени,
Юрак азобларан сенсиз тобора.
Ёлғиз сен тушундинг боримча мени,
Суратинг қалбимга чизилган, она...

Хулқар ШЕРЗОДОВА

Оққўрғон тумани

Саратон

Қуёш нур элайди ёз тонгларига,
Ерга йиқилади дарахт сояси.
Юракнинг зарби жўр ишқ бонгларига,
Бошланг денгизлар кўнғил ойнаси.

Қирлар муҳаббатнинг яшил китоби,
Осмонлар севгининг, балки пайкали.
Шамол ошиқларнинг айтган шитоби,
Чинорлар минг йиллик ишқнинг ҳайкали.

Хаёллар чорлайди ишқнинг аршига,
Саратон севгининг авж палласи.
Мени кут, ёнингга боряпман, севгим,
Юрагимда учар қушлар галаси.

Қуёш нур элайди ёз тонгларига,
Саратон севгининг авж палласи.

Бекмурод МУСЛИМОВ

Паркент тумани

Кел, ўзбекни танитамиз!

Дўстим, қара, оламга боқ, дунё гўзал
Бу дунёда ўзбек халқи — биз биттамыз.
Қанча-қанча шоир унга битмиш ғазал,
Кел, ўзбекни дунёларга танитамиз!

Паст кетмагин, баладда тут гурурингни,
Бу заминда ўзинг танла ўз йўлигини,
Кел, эй дўстим, ёнимда тур, бер қўлигини
Ўзбегимни дунёларга танитамиз!

Мана энди қўйлайдиган замон келди,
Ёр-у дўстни ўйлайдиган замон келди,
Ҳар кун байрам, тўйлайдиган замон келди,
Кел, ўзбекни дунёларга танитамиз!

Ўзбекистон ўз йўлини танлаб олган,
Бизга бу юрт боболардан мерос қолган,
Ҳар биримиз ҳиссамизни қўшмоқ қолган,
Кел, ўзбекни дунёларга танитамиз!

Оқлайлик кел, ўзбек деган ўзлгимиз,
Исботлайлик, билсин битта сўзлгимиз,
Келгин, бирга бу муқаллас жон юртимиз,
Биргаллашиб дунёларга танитамиз!

Қуддусбек АСАДУЛЛАЕВ

Гулистон шаҳри

Ватан

Қўқсимда бир ниҳол ўсар гурқираб,
Илдири мустаҳкам бўлар дафъатан.
Сирдарё сувлари тутар унга лаб,
Қўқсимда дарахтдай байроғинг, Ватан.

Мени онам каби йўрғаклаб кучдинг,
Улғайдинг, ўстирдиги, шундан қадим тик.
Сен кўз бўлсанг, менман қўриқчи киприк,
Гуллайверсин яқин-йироғинг, Ватан!

Моҳиғул ЖАББОРОВА

Ховос тумани

Орзу

— Мен катта бўлагимда:
Фазоларга учаман.
Фазогир дўстим билан
Булулларни қучаман.

— Ака, орзунигизга
Сиз, албатта, етасиз.
Аммо мени ҳам ойга
Бирга олиб кетасиз.

Ширинлик

Мурод сўрар Холбекдан:
— Нима жуда мазали?
— Албатта, нон оғайни,
Сариёғли, жижзали.

Тонг чоғи уйку ширин,
Айтайин бирин-бирин:
Қовун, тарвуз, нўхат, мош,
Байрамда торт, тўйда ош.

— Кўрдингми, ширинликдан
Иборат асли олам.
— Онам ҳам мени қучиб,
Дейдилар, ширин болам!

Қуённинг эътирози

— Шалпанг қулоқ, не сабаб
Бўйинг ўсмайди сира.
Сабзи, қарамлар ейсан,
Лекин йўқ-ку натижа?

— Йўқ, алашма биродар,
Қўнғилик шундай ўйлар.
Бизнинг бўйимиз эмас,
Қулоқларимиз ўсар!

Наима АНВАРОВА

Чиноз тумани

Ишонч

Мен ортимга боқмайман,
Вактсиз нима ўзгарар.
Вақт эшитин қоқмайман,
Қоқсам нима ўзгарар.

Қолиб кетди ортимда,
Ушалмаган орзулар.
Сўниб борапти ҳатто,
Хира торган туйғулар.

Терак ёнбошга эмас,
Дерлар, тикка ўсади.
Ишонча ишончимни
Ишончсизлар тўсади.

Майли, ўша орзулар,
Қолсин эски йўлакда.
Мен улғў ниятларни,
Асрапман юракда.

Динора БЕКМУРОВА

Чирчиқ шаҳри

Олмалар

Олмалар тўкилар туниги кўксига,
Олмалар тўкилар: оқ, зарҳалу ол.
Лабларини тўтиб бог нафасига
Осмонни ҳис қилар тунда бу аёл.
Осмонни ҳис қилар...
Энтикар, жўшар,
Шабнамлар титрайди киприклариди.
Шамоллар йўлига пояндоз тўшар,
У ишонмас Дунё ўтриқларига...
Туниги олмалари тўкилар тўп-тўп,
Ҳавога сингиди нигоҳ излари.
Унинг руҳи ичра оқарди шароб,
Юзлари ёнарди...
Сўқини сўзларди...
Сўнг қайгадир кетди шамоллар билан,
Қайгадир йўл олди кўзлари марол.
Ё осмонга сингитиб кетдимиз, билмам,
Осмонни ҳис қилган паршон Аёл...

Бир кун

Тупроқ исси келар...
Денгиздай жўш уриб, гувраниб
Югуриб кўчадан ўтади
Шамолроҳ, фаршга сийрат бир бола...
Қишлоққа туташган дарёда
Чўмилар ҳар оқшом олтин ой.
Апрель...
Адиқларнинг кўкси алвонтус —
Олис бир кўнғилдан томчиган Чирой.
Қирларнинг руҳида чопар аргумоқ,
Осмон заминдаги фусунга вола.
Бир кун...
Бир кун булар барисин
Шеърга солар ўша эрксевар бола...

Мирзохид АБДУЛЛАЕВ

Чиноз тумани

Шеър — мўъжиза! Мўъжиза эса, ҳар кун содир бўлавермайди. Ижод фақат ҳавас ёки меҳнатга боглиқ жараён эмаслиги ҳам барчага маълум. Аммо изланишлар, тажрибалар, машаққатли меҳнат натижасида чинакам ижод намуналари яратилиши ҳам бор гап. Зеро, халқимиз қадимдан назмга беэтибор эмас, ёшлигида қўлига қалам тутиб, тўрт қатор шеър қораламаган киши топилмас керак. Мана шунинг ўзи ҳам ижодкор зиммасига катта масъулият юклайди.

Шу нуктаи назардан бугун ижодкорни тўлқилантираётган воқеа-ходисаларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Аввало, кун сайин яшнаб бораётган юртимиз қамол ва жамоли, унда кечаётган юксалиш, бунёдкорликларга ҳамда бу жараёндаги фидойи замондошлар фаолиятига бағишланган кўплаб асарлар юзага келмокда.

Иккинчидан, маънавий ҳаётимиздаги эврилишлар заминиди тарих, маърифий мавзудаги машқлар салмоғи янада ортиб бораётир.

Учинчидан эса, машхур шеърлар ва мунтазам янграётган қўшиқлар таъсирида ёзилган машқлар ҳам учраётганини тан олиш керак. Шунингдек, аксарият кўлэмалар муҳаббат ва бошқа мавзулардаги машқлардан иборат.

Қаранг, гўзалликка бой бу дунёни:
Ҳар хилқат ўзгача, номи ҳам маъни.
Турфа гўзалликка шайлосан, лекин
Барчасидан гўзал аёллик шаъни.
Самарқандлик Ниғуфар Мусурмонова юборган ушбу тўртлик ўқувчини мушоҳадага чорлаши табиий. Шу сингари Маъмур Бозоралининг "Аёлга таъзим", хатирчилик Мустафо Қудратовнинг "Навоий даҳоси", "Туроннома", хоразмлик Нодира Янгирбоевнинг "Ули ҳовли", термизлик Шавкат Низомнинг "Оқуш саройи" син-

ИЛҲОМ, ИЖОД, ШЕЪР...

гари бағишловларини, андижонлик Икромжон Аслийнинг Алишер Навоий ғазалига, яшнабдилик Шавкат Бўтаевнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалига муҳаммаслари, шунингдек, Мухаммад Сафо, Феруза Шокирова машқлари газета саҳифаларида ёритилмаган бўлса-да, эътиборга лойиқ эканини таъкидлаб ўтамиз. Хоразмлик Самандар Исмоиловнинг "Истиқлолнинг нури йўли" асари эса ҳажман катта.

Тахририятга келаётган назмий асарлар, аксарият машқларда мавзулар, сўзлар, қофиялар, хулосалар бир хиллиги кузатилади. Ижод қалбга хос ҳодиса. Шундай экан, бир ижодкор иккинчисини такрорламаслиги табиий. Аммо кўплаб шеърли машқларга хос, табиий бўлмаган бу жўровозликларда қуйидаги каби жўн сатрларни кўп учратиш мумкин:

Бунча гўзал гулшан қайда бор,
Сўзларини равшан яна қайда бор —
деб ёзади жиҳазлик Ҳасан Қайюмов "Ўзбекистон" шеърда.

Самарқандлик Жумакул Карим эса генерал С.Раҳимовга бағишланган машқда "Душманни дўндирган (?),

чўққисига ел каби етди..."(?), чироқчилик Эшнӣёз Бурхонен "Замон оша номи дoston Бобуров", қамашилик Абдулла Бобоевнинг "Сўз ўлмагай, шоир ўлмагай", чуствлик Қайюмов Ҳасимийнинг "Ўзбек аёли", фарғоналик Муродил Ўсаркуловнинг "Қудрати буюк тилим" сингари машқлари ҳам бадийи хижатдан шеър даражасига чиқмагани, ўқувчига маънавий озиқ бера олмайд.

Келаётган кўлэмаларда яна бир ҳолатга — сўзлардан ўз ўрнида фойдаланмаслик, айрим сўзлар воситасида баландларвоз гап айтишга интилишлар кузатилади. Гулистонлик Алишер Нур "Оввора" деб номланган машқда "Ишқ дедик, ёқмадик худога, Юраклар фироқдан оввора", деб ёзади. Яна бир ёш қаламкашнинг "Худодан яшириб не қилдим" деган сатрини ўқиймиз. Эҳтимол, Яратган ўзи суйган бандасига ишқ ато этар?! Нафақат айтилган, хатто кўнғилда кечган ўйдан кам огоҳ Тангридан ким нимани яшира оларди?!

Албатта, муаллиф мантиқни ҳам назардан қочирмаслиги керак. Асли-

маъносига шундай таъриф берилди:
Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳарини дурур.

Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида ҳўб эмас.

Ўқувчиларимиз яна бир жиҳатни доимо назарда тутишларини ишқ эдик. Шеърининг чинакам муҳлис-лари ижодкорнинг қимлигини унинг шеърини ўқиб оқлаб олади. Улуғ рус шоири А.С.Пушкнинг замондоши Н.С.Кисилёв 1828

йилги хотираларида шундай лавҳани келтирди: "Пушкин "Сизни талтайтирган табиат..." деб бошланган шеърини онасининг қўлига берганида унинг остига имзо қўйилмаган эди; онасининг: нима учун имзо қўймадинг, деган саволига у худди камситилгандай жавоб қайтарди: "Сиз Пушкин шеърлари остида имзо бўлишини истайсизми?! Унда бу варақ билан хайрлашинг: бу сизнинг альбомингизга лойиқ эмас!".

Бу ибратли воқеадан шундай хулосага келиш мумкин: демак, ижодкорнинг қиёфасини, услубини аниқ-тиниқ

кўрсатадиган, ўзи энг яхши деб ишонган, фақат унинг ўзигагина хос бўлган шеърли матбуотда эълон этишга лойиқ. Акс ҳолда оддий машқларнинг нашрларда эълон қилинишидан қалам-каш ҳам, ўқувчи ҳам ҳеч қандай наф қўрмайди. Ахир кам бўлса-да гўзал шеърлар ёзиб ўқувчи қалбидан ўрин олган яхшими ёки зерикари сатрларни тизиб назм ихлосмандларининг кўнғилини қолдирган дурустми?! Ёзган

Демак, бугунги адабий жараёнда кечаётган ўзгаришларни ҳис этиш, ўз қобилиятига туриб қолмаслик, меҳнат қилиш, ўқиш-ўрганиш, изланиш ижодкор учун энг тўғри йўл. Бу борада ўз машқларини бизга йўллаган фарғоналик Абдусаммад Раҳимов ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор келди"), самарқандлик Ёр Муҳаммад ("Ёшларга"), бахмаллик Бойжигит Абдуллаев ("Ҳой қиз", "Учрамадинг"), тойлоқлик Абдулла Нисоров ғазаллари ("Чайқалур"), ёзёвонлик Уктам-хон Солиева ("...Тушимда кўрдим"), янгибозорлик Насиба Холмуратова ("Вафодор дўстлар"), қўйичирчилик Абдусаммад Гулбоев ("Юртимга баҳор кел

КЛИПЛАР НЕГА ТЎХТАТИЛДИ?

Шу йилнинг февраль ойидан бошлаб «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси қошида қўшиқлар ва уларга ишланган видеоклиплар савиясини баҳолаш бўйича Бадий кенгаш иш бошлаганидан хабарингиз бор. Кенгашга соҳа мутахассислари, клипмейкерлар, шоирлар, устоз санъаткорлар, маънавият тарғиботчилари жалб этилган. Саққизинчи майга қадар кенгаш етти марта йиғилиш ўтказган бўлса, унда эллик тўққиз нафар хонанда томонидан 64 та видеоклип тақдим этилди.

Хонанда Жасур Умировнинг «Сай-Ҳипи» қўшиғига ишланган клип (Зафар Қодиров сўзи, Шаҳбоз Носирхон мусикаси, клипмейкер Дилмурод Агзамов) кенгаш аъзолари томонидан эътирозларга сабаб бўлган бўлса-да, телевидение орқали бир неча бор намойиш этилди. Шаҳбоз ва Наврўз исми хонандалар «Соғина» деб номланган қўшиқ матнини ва мусикасини ўзлари ёзиб, ўзлари ижро этишган. Қўшиқ ва видеоклип ҳаваскорлик даражасидан ҳам паст. Жаҳонгир Асравнинг «Еримдир» қўшиғи матни (Ж.Бадлов сўзи) нихоятда гализ жумлалардан иборат. Шу боис бу видеоклип ҳам рад этилди. Сарвиноз Жўраева, Муҳайё Умарова, Шўхрат Маҳмудов, Ерқинжўжа Умаров, Жасур Мавлонов каби хонандаларнинг қўшиқларига олинган видеоклипларда жазбий камчиликларга йўл қўйилган сабаби кенгаш аъзолари томонидан хонандаларга тавсия ва кўрсатмалар берилди, баъзи кадрлардан воз кечиш, айримларини тўғрилаш шарти билан, истисно тарикасида руҳсат берилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Райхон Ганиевнинг «Юрак» (Х.Собиров сўзи, Ж.Бадлов мусикаси) қўшиғига олинган клипда шеърнинг бадий савияси талабга жавоб бермаслиги ҳамда клипдаги айрим кадрлар ноҳилолиги учун қайта ишлаганга тавсия этилди. Хонандага бундан буён қўшиқларнинг сўзларига жиддий ёндашиб, ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилиш лозимлиги алоҳида уқтирилди. «Нихол» мукофоти соҳибдорини Хулқар Абдуллаевнинг «Дард» деб номланган қўшиғи матни ва ижроси яхшиланиши эътирофи этилиб, клипдаги баъзи кадрлар ўринсизлиги кўрсатиб ўтилди ва қайта ишлаганга тавсия қилинди.



«Via Marokand» гуруҳининг «Турист» қўшиғига (Жасур Бадлов шеъри ва мусикаси) ишланган клип хусусида фикр билдиришдан аввал шеър матнига эътиборингизни қаратмоқчимиз: Билмадим, билмадим мен ҳали дунё кўрмадим, Бир ой бўламиз турист. Сув ости олим Жак Ив Кусто, Рам па папам тара тира тира там.

Сирли олам кезман Рим ёки Индия Эмпратинг Индонезия Рам па папам тара тира тира там. Бу қўшиқ ва клипдаги маънисиз кадрлар, тушунарсиз ва мақсадсиз хатти-ҳаракатлар бадий кенгаш аъзолари томонидан бир овоздан рад этилди. Қўшиқ матнини профессионал шоирлар ҳамкорлигида қайта ишлаш тавсия қилинди. Шунга қарамай, бу қўшиқ телевидение орқали бир неча бор намойиш этилгани учун гуруҳнинг лицензияси тўхтатилди.

«Уммон» гуруҳининг «Оқ гулим» қўшиғида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Қўшиқ матнининг мазмунсизлиги ҳамда клипдаги кадрларда ёшларнинг маънавиятига, миллий менталитетимизга ёт бўлган ҳолатлар тас-

ҳақида шундай дейди: «Одобсиз кишилар иззатли бўлмайдилар. Баланд осмон бу хил кишиларни пасайтириб қўяди». Улуғ шоир яна хушмуомала, очик юзли инсонлар ҳақида: «Очик юздан халойиққа хурсандлик, чучук сўздан эл-юртга хуррамлик. Тилини тиёлган одам – донишманд, оқил. Сўзига эрк берган (кўп вайсаган) одам – беандиша ва пасткаш. Ёлғончи Ҳақ олдида гуноҳкор, халқ олдида шарманда», дейди.

Ҳақнинг сирасини айтганда, одоб жасб ёки ёш танламайди. Халқ назарига тушганлар учун бу янада муҳим. Хусусан, ижод ахли, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар доим халқ кўз ўнгига бўлиб келган. Уларнинг сўзи, хатти-ҳаракати, муомала мада-

Таҳлил, танқид, мулоҳаза

няти, одамлар орасида ўзини тутати билиши, қўйинг-чи, ҳар бир қадами эътиборда. Бу борада устоз санъаткорларнинг ҳаёт йўлларини ибрат сифатида эътироф этамиз.

Аммо ҳамма хонандаю навозандаларни ҳам маънавият тарғиботчилари дея оламизми? Кейинги пайтларда баъзи хонандалар босар-тусарини билмай, ўзини кўз-кўз қилишдан уялмай, маза-бемаза қўшиқлар айтиб халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг диди, савиясига пугур етказиб қўйишга кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Истеъдодли намоён этиш учун хонандаю созандаларга, адиблару шоирларга зарур шарт-шароитлар, имкониятлар яратиб берилаётганини, юксак ишонч билдирилаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бугун ҳар бир ижодкор ишни ўзини ислоҳ қилишдан бошлаши зарур. Яқинда «Ўзбекконцерт» давлат муассасида ёш хонандалар иштирокида маънавият соати ўтказилди. Тадбирни бошқарган Муассаса директори О.Абдуқадиров бир неча долзарб масалалар хусусида гапирди.

— Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан ижодкорларга барча зарур шароитлар яратиб бериляпти; — деди у ўз сўзида. — Аммо айрим хонандалар шундай имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланмаётилар. Очигини айтиш керак, хонандалар ижтимоий тармоқларга турли суратларини жойлаштириб, ўзларини кўз-кўз қилишдан, бўлмағур гапларни тарқатишдан нарига ўтмаётилар. Бундан икки йил олдин соқол қўйиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган эди. Диний бағрикенглик берилгани боис, бугун ҳамма уни «урф»га айлантириб олиши динимизга хилоф иш. Ахир, тиззаси иртиқ шим кийиб олиб соқол қўйиш шаритатимизга зид эмасми? Яна бир масала: айрим хонандалар саловат айтишга тушиб кетишди. Бу ишни олимлар, фузалолар, дин арбоблари, шарият пешволарига қўйиб берайлик. Бизнинг вазифамиз халқимизга яхши ижод намуналарини тақдим этиш. Диний эркинлик — бу хонандаларнинг масжидларда суратга тушиб, ўзини ўзи реклама қилиш дегани эмас. Бу аслида рибкорликдир.

Сўхатда хонандаларнинг кийиниш маданиятига эътибор беришлари (аёл хонандаларнинг очик-сочик ҳолда, ётоқларда, ётган ҳолатларда суратга

тушиши), тўй-ҳашамларда одамлар билан муомала одобига риоя қилишлари, давлат ва хайрия концертларида фаол иштирок этишлари, китобхонликни кучайтиришлари, бадий хижатдан пухта санъат асарлари яратишлари зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов шундай деди:

— Умуман олганда, санъат соҳасида ишлаётганлар диди нозик, қалбда ҳис-туйғуси жўш урган, бировга ёмонлик қилолмайдиган инсонлар бўлади. Аммо кейинги пайтда қўшиқ санъатимизда кўзга ташланаётган баъзи муаммолардан кўз юмолмаймиз. Тилимизга нима келса, шуни айтавериш ёшларимизнинг диди, савияси, маънавиятига пугур етказиб қўйди. Мусика масаласида ҳам фарб оҳангларига тақлидни қучайтириб ётибмиз. Қўшиқларимизда миллий колорит, ўзбекона оҳанглар ўрнига турк, озарбайжон, эрон ва бошқа халқларнинг оҳанглари айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Ахир, биз ўзбек миллий номидан саҳнага чиқамиз. Қўлаётган қўшиқларимизда ўзбек фарзанди эканимиз билиниб турсин. Қўшиқларга ишланган видеоклиплар бадий кенгашининг аъсоси сифатида ёшларга шуни айтмоқчиманки, аввало, қўшиқнинг матнига эътибор беринг. Агар шеър, мусика, ижро яхлит ва уйғун бўлса, демак, мукамал асар дунёга келади. Профессиял шоир ва бастакорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйолсак, ўйлаётганимизга қўлаётган қўшиқлар туҳфа эта оламиз. Хонандалар бир-бирини ўзаро ҳурмат қилишлари, ҳамфикр бўлишлари, танқидни тўғри қабул қилиб, ўз устларида ишлашлари керак. Устозлар ўғилларига кулоқ солмай, «Менга ҳасад қилипти» дегуви ёшлар адашдилар.

Шунингдек, «Сарбон» гуруҳи хонандаси Ф.Саидов, «Нихол» мукофоти соҳибдори А.Солиев ҳам ижодкорларга берилаётган имкониятлардан тўғри фойдалана билиш, қўшиқчилик санъатимизга, маданиятимизга муносиб бўлса қўйиш ва ҳар бир хонанда бу борада масъулиятини чуқур ҳис этиши лозимлиги ҳақида гапирдилар. Маънавият соатида иштирок этаган, тартиб-интизом қоидаларига амал қилмаган айрим хонандалар, жумладан, Сардор Раҳимов, Асилбек Нейматов, Феруза Жуманиёзова, Тоҳир Усмоновнинг лицензиялари бекор қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Концерт-томоша тадбирига бир мартали руҳсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Муассасадан лицензия олган санъаткорлар учун концерт-томоша тадбирларида, тўйлар ва бошқа тантаналарда артистнинг одоб-ахлоқ қоидаларига, саҳна ва ташқи кўриниш маданиятига зид хатти-ҳаракатлар қилиши ҳамда маънавиятга салбий таъсир кўрсатуви, томошабинларнинг ҳис-туйғуларига ҳурматсизлик қилиб, ахлоққа зид гоъяларни тарғиб қилиши мумкин эмаслиги белгиланган қўйилган. Қонун барчага баробар. Унга амал қилиш ҳар бир хонанданинг бурчи ва вазифасидир. Сўзимиз охирида яна ҳазрат Алишер Навоидан иқтибос келтиришни лозим топдик: «Элга молу дунё, шараф-шон обрў бўлмай, ҳаё билан одобгина шараф ҳисобланади. Чунки ёгининг бошланиси ҳаё бўлганидек, ёгининг ҳар қатраси тупроғни кимёга айлантиради».

Матлуба МАҲҚАМОВА

Мусаввир устахонасида

Пойтахтимизнинг Чорсу мавзеси томонидан Ўзбекистон Миллий университетида йўл олганингизда Тинчлик бекати бор. Шу бекатдан ўнг томонга бурилиб, ичкарига кирсангиз, жигарранг темир дарвозага кўзингиз тушади. Уй олди чиннидек қилиб сунурилган. Таниқли ёзувчи Тоҳир Маликнинг портретини ишлаш учун шу ҳовлига бир неча бор келганман.

САДОҚ



Ҳовли гир айлана уйлар билан ўралган. Тоҳир ака бу уйларни ўз қўллари билан қургани ҳақида портретини чи-заётганимда айтганди. Ҳозиргача уста-чилик асбоблари сақланаётгани, катта пойтегани Андикондан олиб келганини марок билан гапириб бергани эсимда. Ҳовлидаги томорқада учта товук дон териб юрибди, хўрозбой уларга бош эканини билдириб, вақти-вақтида қичқириб қўяди. Тоҳир ака ўйчан, ниманидир фикрлаб юради, суҳбатлашганда ҳар бир сўзингизга эътибор беради. Юз-қўздан донишмандлиги сезилиб туради. Саволларга нихоятда оддий ва содда, айна пайтда керакли жойда юмор билан жавоб беради.

Иш жараёнида бир нуктага қараб жим ўтириш, албатта, зерикарли. Тоҳир ака ўзи ва акалари ёшликда расм чизини яхши кўришганини гапириб берди. Ҳозир неваралари Мухлисахон ва Абдурахмоннинг расм чизибга қизиқиш катта эканини айтиб, «Иқболжон, бу Абдурахмон неварам келажакда расм бўлади-да, унда бир нарсаси бор», дейди.

Устоз ҳаётининг аччиқ-чучугини яхши билади. Бундан бир неча йиллар илгари «Гулистон» журналида жуда кўп таҳсинга лойиқ мақола, очерк ва ҳикояларини ўқиганман. Тоҳир ака 1972

Иқболжон ИЛҲОМОВ, расм

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА МАНГУБЕРДИ ОБРАЗИ

Республикаимиз қўғирчоқ театрлари саҳналарида тарихий асарлар муваффақият билан қўйилмоқда. Жумладан, 2016 йили Бухоро вилоят қўғирчоқ театрида саҳналаштирилган «Широқ афсонаси» спектакли муваффақият билан намойиш этилгани кўпчиликка маълум. Бундан руҳланган театр ижодкорлари илк бор Тўра Мирзо қаламига мансуб «Жалолдин Мангуберди» пьесасини саҳналаштирди. Спектакль режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шомурод Юсупов томошада қўғирчоқ театри санъатида хос синтез йўналишидан фойдаланган. Асарда Жалолдин Мангуберди(артист Диёр

Янги томоша



Қурбон)нинг Чингизхон(артист Пирназар Имомназаров)га қарши кураши ҳамда ўша даврдаги ички зиддиятлар маълум маънода Хоразм салтанатининг емирилишига сабаб бўлгани (дарвеш — артист Сухроб Сиддиқов) акс эттирилган.

— Устоз режиссёр билан саҳнада биринчи марта ишлашим, — дейди ёш актёр Шаҳзод Зоиров. — Янги спектаклни тайёрлаш жараёни ҳаммамиз учун маҳорат сабоғи бўлди. Актёрлик маҳорати, пластика, саҳна нутқи бўйича устоздан кўп нарсаларни билиб олдик. Спектаклда Чингизхоннинг хабарчиси ролни ижро этияман. Ролим кичкина бўлса-да, аввалига қийналдим. Режиссёрнинг кўрсатмалари туфайли мен бу ролни севиб қолдим. Энди бу образга сингдирилган гоъни томошабинларга тўлиқ очиб беришга ҳаракат қилияман.

Расом Закиддин Ёдгоровнинг сай-ҳаракатлари туфайли спектаклнинг мазмун-моҳияти янада бойиган. Ҳаракатланувчи декорациялар ўша давр руҳиятига мос. Мусикаларни скандинавия, қирғиз, мўғул халқ қуйлари асосида Беҳзод Раҳмонов танлаган. Хоразмшоҳ (Пирназар Имомназаров), Малика (Лайло Жумаева), Хайриддин (Фотима Хабибова), Жалолдиннинг хабарчиси (Марат Файзиев), Жен Чен Тен (Достон Азимов), Қотил (Беҳруз Муҳидов) образларидаги актёрлар жиддий излангани кўриниб турибди.

Спектакль сўнгида Чингизхон узоқ-узоқлардан Мангуберди сиймосига армон ва ҳурмат билан боқиб, секин саҳнадан чиқиб кетади. Жалолдиннинг эса, Чингизхоннинг кўзида ўзига нисбатан меҳр кўрганани таъкидлайди... Нима бўлганда ҳам асар болажонлар онгига мос тарзда яқин топан. Бу ҳам режиссёрнинг ўзига хос топиламаси.

Гулчехра БОНУ,

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси аъзоси

ПИРЛАР СИЙМОСИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон давлат Консерваториясида Санъат арбоби Мустафо Бафоевнинг «Этти пир» ораторияси тақдими бўлиб ўтди. Оратория матни Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шодмон Сулаймон қаламига мансуб.

Номидан ҳам маълумки, бу асар тасаввуф таълимотининг олтин силсиласида ўзининг маънавий-руҳий салоҳияти билан бекиёс ўрин тутган нақшбандия тариқатининг етти пир ҳақида. Оратория дебодасида Олам ва Одамнинг яралиши, одамларнинг борлиги, ўзлигини англаш йўлидаги қувончу изтироблари, етти рақамининг моҳияти ва пирларнинг хизматлари эътироф этилди. Кейинги олти қисмда Абдулҳоқик Гиждувий, Ориф Ревғарий, Маҳмуд Анжир фанавий, Али Ромитаний, Муҳаммад Самосий, Сайид Амир Кулол сингари пирларнинг юксак макомлари, шоғирлар тайёрлаш борасидаги хизматлари, ибратли ахлоқий фазилатлари қуйланади. Еттинчи қисмда эса қалбига Оллоҳ ишқини нақш этган, буюк соҳибқаромат зот Баҳоуддин Нақшбанд сиймосига улкан эҳтиром ва эътиқод ўзифосидан топан.

Хотимда, муаллифнинг ўзи ҳам эътироф этганидек, кўхна Бухоро заминидан мангу кўмин топан пирлар, уларнинг устоз ва шоғирдлари туфайли бу қадимий

шаҳар илм-маърифат, нур-зиё маскани сифатида бутун дунёда эъзозга сазовор бўлиб келаётгани сўз ва мусиқа йўналишида ифодаб берилган.

Мазкур ораторияни мухлисларга етказишда таниқли суҳандон Шафқат Зиёмухамедов, турли қўрик-танловлар соҳибдорлари Малика Норматова, Азиза Муҳамедова, Фахриддин Туранов ва Достонбек Саидов маҳоратларини намоён этишди. Ширин Бобонова ва Анна Турани раҳбарлигидаги Хизмат кўрсатган хор жамоаси ва Ўзбекистон давлат хор капелласининг ижроси ҳам эътирофга лойик. Бунда, шубҳасиз, хормейстер, Санъат арбоби Жўра Шўкуровнинг хизмати катта. Алибек Кабдурахмонов дирижёрлик қилган Ўзбекистон миллий симфоник оркестри (бадий раҳбар Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов) ижросидаги мусика асарининг маъно-мазмунини очишда муҳим аҳамият касб этди.

«Этти пир» ораториясининг Рамазон ҳайити арафасида мухлисларга тақдим этилганида ҳам катта маъно бор. Зеро, етти улуғ пирнинг таълимоти ҳамон оламни ўзининг мунаввар нури билан ёритиб турибди.

Н.ФАЗЛУТДИНОВА, ўқитувчи

ДЎСТЛИК КОНЦЕРТИ

Жаҳонда буюк италян композитори Жоаккино Россини мусикаси янграмаган саҳна деярли қолмаган, десак муболага бўлмайди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида ҳам унинг «Севильялик сартарош» операси кўп йиллар давомида саҳнадан тушмай келди. Яқинда мазкур театрда Италиянинг миллий байрами — Республика кунига бағишлаб ташкил этилган концертда Ж.Россини асарлари асосида тўзилган дастур намойиш этилди.

— Ўртингизга биринчи марта келишим эмас, — деди биз билан суҳбатда таниқли режиссёр, дастур раҳбари Эдди де Надао. — Бу ноёб театр ижодкорлари билан икхидий ҳамкорлик қилиб келаман. Жамоамиз мусиқани теран ҳис қилиши, санъаткорларнинг юксак профессионализи, тартиб-интизом мени ҳайратга солади. Кўпала опера ва балет юлдузларини етиштириб берган бу саҳнада жамоа билан ҳамкорликда қизиқарли лойиҳалар ва спектакллар тайёрлаганимиз. Италия халқи байрами ва Россини таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб тайёрланган мазкур концерт жазон мусиқа ҳаётида воқеа бўлди, деб ўйлайман. Оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманида Италиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Андреа Бертолли шундай деди:

— Ўртингизда италян мусикаси ва италиялик ижодкорларга ҳурмат билан муносабатда бўлинаётгани бизни жуда мамнун этди. Айниқса, халқимизнинг асосий байрамига бағишлаб ўтказилаётган концертдан беҳад хурсанд бўлдим.Таниқли санъаткорлар Мюсар Раззокова, Нормўмин Султонов, Шукур Гафуров, Маъсума Болтабоева, Кирилл Барчанинов, Ринат Титеев, солистар Н.Юсупов, Р.Смирних, Я.Баграянская, Ф.Юсупова иштирокидаги концерт дастури томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Республика Маданият вазирлиги, Ўзбекистондаги Италия элчихонаси, «Ўзбекистон-Италия» дўстлик жамияти ва Алишер Навоий номидаги театр ҳамкорлигида тайёрланган мазкур дастурга Ўзбекистон халқ артисти Ф.Сафаров дирижёрлик қилди.

Ф.ФАХРУТДИНОВА

Гулистон МАТЕЌУБОВА,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ҚУМУШ ШАБНАМ ТУШАНДА



Янги куннинг тилаги — дил даъватинг,
Азиз юртим, ошсин шону давлатинг.
Омон бўлсин фидойи ҳар фарзандинг,
Муҳаббатли, қудратли бўл, янги кун!

Ҳаёт тиласини

Қанчалар завқ, ахир, тугилмоқ,
Ҳайратланмоқ, ишонмоқ, севмоқ.
Бахтли онда кўзга ёш олиб,
Чин юракдан қувонмоқ, кулмоқ.

Кенгликларга ёзиб кўнгилни,
Мақсадларга ўрамоқ дилини.
Қумуш шабнам тушганда тонгда,
Шудринларга чаймоқ ҳар гулни.

Янги кундан янги бахт қўлаб,
Саломлардан яхшилик излаб.
Авайламоқ инсон зотини,
Сухбатларда бир-бирин сизлаб.

Яна қилмоқ шукр-қаноат,
Юракларга боғламоқ қанот.
Учмоқ, ортиб куч-қудратимиз,
Ҳам тўлламоқ ақл, куч, сабот...

Ким учундир керак бўлмоқ — бахт,
Очиқ кўнгил, юрак бўлмоқ — бахт.
Насл-насабининг авайлаб,
Келажакка тиргак бўлмоқ — бахт!

Хиёнатни салоқат билан,
Ёлғонларни ҳақиқат билан
Енгмоқ учун сабр, ирода,
Топмоқ фақат муҳаббат билан.

Қандайин завқ ҳаётга келмоқ,
Ҳайратланмоқ, ишонмоқ, севмоқ.
Бахтли онда кўзга ёш олиб,
Чин юракдан қувонмоқ, кулмоқ.

Ота маконини

Боғлар гуллаб ётар қалбимдай тошқин,
Нозик бир новдага қуш бўлиб қўндим.
Мен уни тоғунча адашдим, шошдим,
Иссиқ-совутинга бирдайн кўндим.

Дарахтлар бағрини менга очдилар,
Ҳориган рўҳимга тополдим паноҳ.
Боғдаги ҳар ниҳол хушвақт эдилар,
Қуёшга кўтариб тургандай туяроқ.

Мен қўнган новда ҳам япроқлар ёзиб
Шоҳалай бошлади баҳор келганда.
Мен ҳам кучга тўлиб кенг қанот ёзиб,
Парвозга шайландим шамол елганда.

Учдим, самолари берди куч-қувват,
Пастда далда бўлди бўйчан дарахтлар.
Толсам, келиб қўндим, боғда ҳар гнёх,
Жондай яқин бўлиб қолган эдилар.

Бу боғдан олисга уча олмасман,
Мен учун баҳордир кузи, киши ҳам.

Янги кун

Ер мунаввар бўлар, нурланса осмон,
Дил мунаввар бўлар, нурланса имон.
Сўз мунаввар бўлар, нурланса инсон,
Мунаввар бўл, нурларга тўл, янги кун!

Одам ўғли бу дунёнинг зийнати,
Озод ҳаёт, ҳур Ватанинг дилбанди.
Ҳар саовиб яхшиликнинг фарзанди,
Ҳидоятли, ҳамматли бўл, янги кун!

Меҳру иззат мурувватга қўл берса,
Мард йигитлар саховатга қўл берса.
Эл беклари адолатга қўл берса,
Ҳимоятли, саботли бўл, янги кун!

Кимнинг ризқи насибаси, меҳнати,
Кимнинг мол-дунёси, шон-шухрати.
Кимнинг имон, дёнати, қудрати,
Шижоатли ва қутли бўл, янги кун.

Инсон

Сен дунёда бир оддий одам,
Ким учундир эса бир дунё.
Сен кимнингдир кўнглига малҳам,
Сен ёдусан, шамолсан гўё.

Сен гулшанда очилган райҳон,
Сенсиз атроф кимсасиз, бўшлиқ.
Нафосат ҳам йўқлар шу он,
Камалак ҳам сўнаётган ишқ.

Қундуз осмон садоси билан,
Тун ой, юлдуз нури билан жам.
Кекса дунё қувониб куйлар,
Сен қулоқ тут унга, эй одам.

Сен дунёда бир оддий одам,
Ким учундир эса бир дунё.
Сен кимнингдир кўнглига малҳам,
Сен ёмғирсан, шамолсан, гўё...

МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Ўзбекистон
Бадий
академияси Иқуо
Хираяма халқаро
Маданият
карвонсаройида
очилган "Муқаддас
қўрғон" деб
номланган
кўргазмада
бухоролик
мусаввир Эркин
Жўраевнинг
элликка яқин
асарлари
намоиш
этилди.



Нигоҳ

2010 йил Э.Жўраевнинг Марказий кўргазмалар залида намоиш этилган асарларидан йиғирма биттаси танлаб олиниб, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси таклифи билан қўнчиқар мамлакатнинг бир неча шаҳарларида намоиш этилган. Маэкур кўргазма "Топ-Арт" томонидан 2011 йили "Йил Иқтидор" номинациясида ғолиб деб топилган. Унинг асарлари Германия, Франция, Америка, Канада, Швеция, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг галерейларида сақланади.

Тасвирий санъатда ўз ўрнини, услубини тополган бу маҳоратли мусаввир реал воқеаликни, Бухоронинг ўтмиши ва бугунги ҳаётини, миллий урф-одат ва анъаналарини ёрқин бўёқларда тараннум этади. "Суводон", "Умр кўзи", "Чархпалак", "Икковлон", "Сахро маллаклари" каби суратлари халқона, табиий чизилгани билан диққатни тортади. Серқирра ижодкор рассомлар сиймосини ўзига хос талқин этиши билан ҳам ажралиб туради. Масалан, "Устахона" номи асарда ижодкорнинг ҳеч қандай тасвир бўлмаган қуруқ полотно олдиди илҳом қутиш онлари самимий тасвирланган. Мусаввир замондошларининг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва урф-одатларини "Сўзана", "Набира", "Рамазон", "Келин салом" сингари асарларида завқ билан тасвирлайди.

— Дастхатимда кўғирчоқ театрининг катта таъсири бор, — дейди рассом. — Театр ва рассомлик санъати институтининг "Кино декорацияси" бўлимини тугатиб, иш фаолиятини Бухоро давлат кўғирчоқ театрида бошлаганман. "Насриддин Бухорода" томошаси билан Польшада ўтказилган халқаро фестивалда иштирок этиб, биринчи ўринни олганмиз. Бухоро қуёшли ўлка, жиллоланиб, ўзгариб турувчи рангларни табиатнинг ўзидан оламан. Аслида ижодкор кўнгли ҳамиша бедор бўлади. Бугун катта залда асарларим бошқача кўринди. Ютуқ ва камчиликларимни кенг миқёсда кузатишга имкон бўлди. Рассом дўстларим ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бухорога қайтганимдан сўнг қандай ижод қилиш, нималарга эътибор бериш ҳақида ўйлабман.

С.ҚОСИМОВА

А.ПОПОВ олган сурат

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ислом дини жорий қилинган пайтлардаёқ унинг муқаддаслигига, софлигига соя ташловчи кимсалар, ғаразқўй тоифалар мавжуд бўлган. Бугунги илм-фан тараққий этган кунларда бундай "қорақўзғун"ларнинг замонавийлашган тоифалари пайдо бўлди. Улар интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали ёшларга муқаддас динимизнинг асл моҳиятини бузиб кўрсатмоқдалар. Фармонда айнан мана шу мавзуга жиддий эътибор қаратилиб, жаҳолатга қарши илм-маърифат билан курашиш кўзда тутилди.

Қуръони каримнинг "Бақара" сурасидаги 208-оятда Аллоҳ субҳонаху ва таоло бундай марҳамат қилади: "Эй иймон келтирганлар, Исломга тўлиғича ки-

КЎНГИЛ МУНАВВАРЛИГИ

ринг. Ва шайтоннинг изидан эргашманг. Албатта, у сизга очик душмандир" (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, "Тафсири Хилол"). Ислом тинчлик дини эканлигига эътибор қаратадиган бўлсак, мўминликни даъво қилган ҳар бир шахс фақат тинчликка, илму маърифатга, меҳру мурувватга, диний барикенгликка чақурувчи Қуръон оятлари ва Расулulloҳнинг кўрсатмаларига амал қилиши лозим бўлади. Исломни ҳар ким ўз манфаатига мослаштириши мутлақо мумкин эмас. Чунки динимиз таълимотида мўмин кишининг ахлоқ нормалари тўлиқ кўрсатиб қўйилган.

Ота-онани нечоғли эъозлаш лозимлиги муқаддас оятларда, ҳадиси шарифларда такрор-такрор эслатилади. Жумладан, Аллоҳ субҳонаху ва таоло "Исро" сурасида бундай марҳамат қилади: "Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остида кексалик ёшига етсалар, уларга қараб "уф" тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут — ҳокисор бўл ва: "Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаб ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин", деб (ақларига дуо қил!)".

Ислом таълимотидаги тинчлик-хотиржамлик, бошқа дин вакиллари билан дўстона муносабатда бўлиш тушунчалари барча жамиятларда тараққийга олиб келган. Ҳар бир оилада, маҳалла ва қишлоқларда, қўни-қўшнилар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат туйғулари абадий қарор тогган. Бугун ўзларининг Ислом динининг ялғовбардорлари санашаётганлар, ёшларни тўғри йўлдан адаштириб, уруш-жанжалларга ундаётган, турли йўллар билан жангарилликка даъват этаётганлар наҳотки ўзларини муқаддас оятда таъкидланган "шайтоннинг изидан" эргашаётганини англашмаса.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам бутун умрлари давомида тинчлик, эзгулик, инсонпарварлик каби олий фазилатларни саҳобалар турмуш тарзига сингдириб келдилар. Абу Зарр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Набий саллоллоҳу алайҳи ва саллам: Эй Абу Зарр! Шўрва қилсанг, сувини кўпайтиргин-да, қўшнилариңгдан хабар ол ёки қўшнилариңга ҳам тақсимлаб бер дедилар", дейди (Имом Бухорий, "Ал-адаб ал-муфрад").

Имом Абу Довуд Ирбоз ибн Сория разияллоҳу анҳудан Пайғамбар алайҳиссаломнинг бир ҳадисларини ривоят қилади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: "Сизлар менинг суннатим ва тўғри йўлдан борувчи халифалар суннати лозим тўтиб, уни жаъ тийларингиз билан тишланглар. Янги пайдо бўлган ишлардан четланглар. Албатта, ҳар бир янги пайдо бўлган иш бидъатдир. Ҳар бир бидъат залолатдир" (Ваҳба Мустафо Зухайлий, "Шамойилул Мустафо", 376-бет).

Фармонга кўра, биз муқаддас динимизнинг мана шу жиҳатларини чуқур ўрганишимиз ва тарғиб қилишимиз, Ислом динини, унинг муқаддас таълимотини зўравонлик ва қон тўкиш орқали динга даъват этишдек қабих ғояларга қористираётганларга қарши ўз илму маърифатимиз билан жавоб қайтармоғимиз лозим.

ИҚТИДОРЛАР МАСКАНИ

Янги йўл туманининг "Янги йўл" газетаси қошида фаолият олиб бораётган Адафур Фулом номидаги "Орзу" гафур тўғараги ташкил топганига ярим асрдан ошди. Устоз шоир Зокир Кўртнезоров асос солган тўғарақнинг дастлабки аъзолари қаторида Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи, таниқли ижодкорлар Турсун Иброҳим, Обид Расул, Юсуфжон Ҳузурий, Турсунбой Азимий ҳар эди.

Тўғарақда шундай муҳит яратилганки, ҳар бир машғулот чинакам баҳс, мунозарара айланди. Ўша кезлар 5-синф ўқувчиси бўлган Абдурахмон Акбар машғулотларнинг бирида илк машқларини ўқиб берган, бу шеър барчага маъқул бўлиб, оқ йўл билан "Янги

йўл" газетасида эълон қилинган. Абдурахмон Акбар кейинчалик таниқли шоир бўлиб етишди, болалар учун ўндан ортиқ китоби нашр этилди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазовор бўлди.

Бугунги кунда иқтидорли ёшлар учун катта имкониятлар яратилган. Ундан самарали фойдаланаётган ёшлар туманимизда талайгина. Жумладан, Ойбек Акбаров, Дилмурод Калибетов, Саидкамол Нўматов, Дилнавоз Умарова, Мадина Неъматова, Мафтуна Абдужабборова, Муштарий Болтабоева каби қаламашлар ижодкор ёшлар ўртасида ўтказилган турли қўрик-танловларда фаол иштирок этишмоқда. Ҳозир қирқ нафарга яқин ҳавас-

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бундай деган эдилар: "Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади".

Жаҳон тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бизга қолдирган тарихий меросидан ёшларни тўлиқ хабардор қилиш ҳам ушбу фармонда таъкидланади, жамиятимизда диний бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг масъулиятини янада ошириш лозимлиги уқтирилади. Бу тарихий ҳужжатнинг 4-бандида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилиши белгиланган. Академияда таҳсил олувчи ёшларни саралашда уларнинг билим ва қобилиятига, энг асосийси, эътиқоди бўлишига, Қуръон ва ҳадисга меҳр-муҳаббати самимийлигига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки инсоннинг теран тафаккури, Яратганга ва Унинг ҳабибига бўлган севгиси шахсини қомилликка етказиши. Ўтган алломаларнинг барчаси айнан ана шу фазилатлари билан азизлик мақомига эришганлар.


Фармонда, шунингдек, Ҳадис илми мактаби ташкил этилаётгани таъкидланган. Бу Ислом динига, дунё тамаддунига салмоқли улуш қўшган ота-боболаримиз хотирасига, хусусан, Имом Бухорий яратган ҳадис мактаби кўрсатилган юксак эҳтиром, ҳурмат ва эътибор нишонасидир. Дарҳақиқат, яхшиликнинг жавоби фақат яхшилик бўлган. Муҳаммад ибн Али ибн Ҳанафийдан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам бундай дейдилар: "Яхшиликнинг муқофоти, албатта, яхшиликдан бошқа нарса эмас". У яхшига ҳам, ёмонга ҳам ёзилган" (Имом Бухорий, "Ал-адаб ал-муфрад").

Ушбу фармонга кўра, "Вақф" хайрия жамоат фонднинг ташкил этилиши ҳам мамлакатимизда илм-фаннинг ривожланишига, меҳр-мурувват, диний бағрикенглик, миллатлараро ўзаро ҳамжиҳатлик аъаналари ривож топишига хизмат қилади. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга қўмаклашиш, беморлар, етимлар, имконияти чекланган шахслар, ногиронлар ҳолидан хабардор бўлиш, закот, фитр каби хайрия маблағларини улар таъминотига йўналтириш фонднинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолияти, улардаги профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, мутахассислар, ўқувчи-талабалар ҳам айнан ушбу фонд томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг илм-маърифат аҳлига кўрсатаётган бундай юксак эҳтироми у киши ташаббуси билан бошланган кенг қамровли ишлохотлар самарасидир. Фармонда белгиланганидек, "Имом Бухорий" давлат муқофоти таъсис этилади. Энди, буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини пухта ўрганган, мамлакатимиз шўҳратини жаҳонга тараннум этган фозиллар ушбу юксак муқофотга сазовор бўладилар.

Юртимизда олиб борилаётган шаффоф сиёсат ўз адолати, халққа ва жамиятга кераклиги, оддий одамларга, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга юксак эътибори билан яққол кўзга ташланади. Маъзур фармоннинг долзарблиги ва юксак қадр-қиммати ҳам шунда.

Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли,
журналист



Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Ҳа.иқори.и.и.з:



ЎЗБЕКИСТОН
БАДИЙ
АКАДЕМИЯСИ



Манзилимиз:
Тошкент — 100083,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон манзилимиз:
uzas.gzt@mail.ru

Бош
муҳаррир

Ўқтам
МИРЗАЁР



Қабулхона: 233-52-91
Танқид ва адабиётшунослик бўлими:
233-58-86
Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Тахририятга келган
қўлёзмалар таҳлил этилмайди
ва муаллифларга
қайтарилмайдиган.
Муаллифлар фикри
тахририят нуктаи назаридан
фарқланиши мумкин.

Масъул котиб —
Асрор СУЛАЙМОНОВ

Навбатчи муҳаррир —
Ҳумоюн АКБАРОВ

Саҳифаловчи —
Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 19.15.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 26.11.2014 йили
0283-рақам билан рўйхатга олинган.

Адаби — 7715. Буюртма Г — 682.

Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВАДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2183-614X



Сайтимизга ўтиш учун
QR-коднинг телефонингиз
орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон композиторлари ва
бастакорлари уюшмаси уюшма
аъзоси, таниқли бастакор

Бахтиёр БОЗОРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳум-
нинг оила аъзоларига ҳамдардлик
билдиради.

Ўзбекистон Бадий Академияси
молия ва бухгалтерия ҳисоби
бўлими бош мутахассиси Тўлқин
Абравега онаси

Бибиражаб НОРБЎТАЕВанинг

вафоти муносабати билан ҳам-
дардлик билдиради.

"Муштум" тахририяти жамоа-
си журналининг масъул котиби
Бахтиёр Олломурадга укаси

Жўрабек АЛЛАМУРДОВнинг

вафоти муносабати билан ҳам-
дардлик билдиради.